

ҲАР ҚАРИЧИНГ МУҚАДДАС, ВАТАН!



Қонунчилек ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постга

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ

12 МАЙДАН ЧИКА БОШЛАГАН

• Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2003 йил 9 январь, пайшанба • 2 (3478)-сон

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Ички қўшинлар Бош бошқармаси ва ҳарбий қўсмларида хизмат қилаётган барча зобит ва аскарлар, ёш ходимларни тарбиялашда, уларга касб сирларини ўргатишда ўз билим ва тажрибаси, куч-ғайратини аямай, фидойилик кўрсатаётган ҳарбий хизматчиларимизни 10 январь – Ички қўшинлар ташкил этилган кун билан муборакбод этаман.

Ички ишлар идораларининг барча ходимлари, Ички ва Қоровул қўшинларининг зобит ва аскарлари, таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари, тингловчи ва курсантлари, ички ишлар идоралари фахрийларини 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни билан савмий муборакбод этаман.

Давлатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашдаги фидокорона хизматларингиз учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Республикамиз сарҳадлари, унинг яхлитлигини қўриқлаш, тинчлик-осойишталикини, фуқаролар ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини шараф билан бажаётган, Ватанимизнинг асл фарзандларига мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оиласвий баҳт, ҳамиша зафарли дамлар ҳамроҳ бўлишини тилайман.

Ушбу айём муносабати билан жонажон Ватанимизга чексиз муҳаббат билан хизмат қилаётган барча сафдошларимизга ва уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, тинчлик-хотиржамлик, баҳт-саодат тилайман. Юртимида тинчлик ва осойишталик доимо барқарор бўлсин.

З. АЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири,
ички хизмат генерал-полковниги.

Обуна-2003

НАШРЛАРИМИЗ ЯҚИН ҲАМРОҲИНГИЗ

Бугунги кунда ҳақли равишда «тўртинги ҳокимият» дея эътироф этилаётган газеталар фуқароларимизга маънавий озиқа бериш билан бирга, уларнинг қувончу ташвишларига ширик бўлиб, муаммоларини ҳал этмоқда. Республикаизда 2003 йилнинг январь ойи учун обуна мавсуми ниҳоясига етди. Хўш, бу борада ИИВ Бирлашган таҳририяти нашрлари – «Постда» ва «На посту» газеталарига обуна бўлишининг аҳволи қандай?

Аввало шуни айтиш жоизки, газеталаримиз учун бу йилги обуна олдингиларидан бир оз фарқ қилди. Тошкент вилояти ва пойтахтдан ташқари барча вилоятларда ички ишлар ходимлари газетамига «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик жамияти ҳамда алоқа бўлимлари орқали ёзилдилар. Шунга қарамай Ички ишлар вазирлиги тизимидағи ислоҳотлар, рўй берәётган ўзгаришлар, янгилик ва воқеалардан шахсий таркибни ўз вақтида ҳабардор қилиб боришни бурчи деб билган кўплаб бошқармаларнинг раҳбарлари мавсум бошиданоқ ушбу масъулиятли вазифага жиддий киришдилар. Шу ўринда Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти сайд-ҳаркатини алоҳида таъкидлаш зарур. Пойтахт вилояти ички ишлар идораларида хизмат қилаётган ходимлар 2003 йилдан 5000 дан ортиқ «Постда» ва «На посту» газеталарини ўқиш имкониятига эга бўлишиди. Бу кўрсаткич Самарқанд вилоятида – 4275, Фарғона вилоятида – 3799, Қашқадарё вилоятида – 3610, Хоразм вилоятида 2274 тани ташкил этиди. Коқақалпогистон Республикасига эса «На посту» газетаси бошқа вилоятларга қараганда энг кўп микдорда (1122 та) бормоқда. Тошкент шаҳри бўйича М. Улуғ-

бек, Шайхонтохур, Чилонзор, Сирғали ва С. Раҳимов туманлари ички ишлар идораларида яхши натижалар қайд этилди.

Булар қувончли, албатта. Аммо обуна мавсумини ўшқоқлик билан ўтказишга имконият даражасида эътибор бермаган ички ишлар идоралари ҳам бор. Бошқалар ҳам мавсумни юқори даражада ўтказган жамоалардан ўrnak олишса нур устига нур бўларди. Февраль ойидан муайян ўзгаришлар сезилади, деган умиддамиз.

Кейинги пайтда фуқароларимиз ҳаётининг барча жабхаларида янгилинишлар рўй бermоқда. Юртимида тинчлик, осойишталик ҳукм сурояти. Обод маҳалла ийлида турмушимиз янада фарғон бўлишига шубҳа йўқ. Аҳоли ва турли соҳаларда меҳнат қилаётган ходимларни мамлакатда кечеётган ана шу жараёнлар билан таништиришда кундалик нашрларнинг тутган ўрни бекиёсdir. Ички ишлар идоралари раҳбарлари буни чукур хис этган ҳолда шахсий таркибнинг маънавий оламини бойитишига жиддий ёндошилари лозим. Токи нашрларимиз ҳар бир милиция ходимињинг доимий ҳамроҳи бўлиб қолсин!

2003 йилнинг бошқа ойлари учун обуна давом этмоқда.

ТАҲРИРИЯТ.

14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ



UCHINCHI «Постга»
gazetasining Novasi
+ **TU LAM**

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI

ИЖРО ТАЪМИЛНАДИ

Жиззах шаҳрида милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш борасидаги вазифаларга бағишиланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Унда вилоят ИИБ бошлиги вазифасини бажарувчи, милиция полковники И. Муродов вояяга етмаганлар ва ёшлар ўртасида тарбиявий, оммавий-спорт тадбирларини ташкиллаштириш, уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш хусусида маъруза қилди.

Музокараларда вилоят ҳокимининг биринчи ўринbosари Р. Есенкулов, Жиззах шаҳар А. Навоий номли маҳалла фуқаролар йигини раиси Ф. Бобомуродов, Фаллаорол туманиндағи "Молтоп" қишлоқ фуқаролар йигини маҳалла посбонлари сардори А. Орипов, Жиззах шаҳридаги "Иттифоқ" маҳалласи фуқаролар йигини педагог-тарбиячиси Ш. Қурбонов, Дўстлик тумани Янгиобод қишлоқ фуқаролар йигини яраштириш комиссияси раиси Р. Ҳасанов, Жиззах шаҳар ИИБ профилактика инспектори А. Абдуалиев, республика ИИВ ҲООББ катта инспектори И. Толбоевлар сўзга чиқдилар. Нотиқлар кўрилган масала юзасидан таклиф ва мулоҳазалар билдириб, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш лозимигини таъкидладилар.

Д. НОРМАМОТОВ,
милиция подполковники.

Янги йил кечаси айни зиёфат қизиган пайтда Мирхолиқнинг мазаси қочиб қолди. Мехмонга келган куёви Фойибжон ҳам безовталаниб, қорнини ушлаганча ингради. "Тез ёрдам" иккенини касалхонага олиб борди.

ЗАРАРИНИ КИМ ҚОПЛАЙДИ?

- Байрам бошлигасдан тўйиб ичибсизлар-да,

- деди шифокор уларнинг ахволини кўриб.

- Йўқ, атиги юз грамм-

-дан олгандик, - деди

Мирхолик қорнини чан-

галлаганча.

- Бўлмаса, "қўлбола"-

-сидан ичгансизлар.

Улар ичган ароқ лабо-

ратория текширувидан

ўтказилди. Шифокорлар

шубҳаси тўғри чиқди.

Ҳақиқатдан ҳам ичиликни

тайёрлаш технологияси

бузилган экан.

Байрам арафасида ай-

рим нопок шахслар пул,

бойлик дардиди қўши

давлатлардан яширинча,

давлат чегара масканла-

рини четлаб озиқ-овқат

маҳсулотлари, спиртли

ичимликлар олиб ўтди-

лар. Ачинарлиси, қўши

давлатларда "қўлбола"

тайёрланган, этикеткала-

ри қўзни қамаштиради-

ган ароқ, вино, конъяклар

ни истеъмол қилган ай-

рим фуқаролар касаллик

качалини.

- Спиртнинг тури кўп,

айрим турлари истеъмол

учун ярамайди. Бироқ ар-

зонроқ бўлгани учун баъзи уддабуронлар ундан ароқ тайёрлаш учун фойдаланади, - деди Давлат шо-

шилинч ёрдам марказининг

токсикология бўлими мудири О. Юсупов, - бўлимга

келтирилган аксар бе-

морлар спиртли ичимли-

дан заҳарланишган. Кўши

давлатлардан келтирилган

ичкиликлар текширувдан

ўтказилганда уларнинг тар-

кибида инсон организми

учун зарарли бўлган мод-

далар борлиги аникланди.

Ўзбекистон Республика-

си Вазирлар Маҳкамаси-

нинг "Жисмоний шахслар

томонидан Ўзбекистон

Республикаси ҳудудига

товарлар олиб келиниши

ни тартибиа солиши тўғри-

сида"ги Қарорида респуб-

ликализга олиб келинаёт-

ган маҳсулотларнинг си-

фатли бўлишига эътибор

берилиши кўрсатиб ўтил-

ган. Яширинча олиб ўти-

лаётган, сифатсиз истеъ-

мол товарлари уч-тўртта

нопок шахсларнинг чўнта-

гини қаплайтиряпти, хо-

лос. Ўтган йили Тошкент

вилояти ички ишлар идо-

ралари ходимлари томо-

нидан республикамизга етти юздан ортиқ ноконуний товарлар олиб кириш ҳолатлари аникланди. Уларнинг маълум қисми озиқ-овқат маҳсулотлари, спиртли ичимликларидир.

Янгийўл туманида яшовчи фуқаролар М. Абдувалива Б. Алижонлар Қозогистон Республикасида ишлаб чиқарилган ҳеч қандай ҳужжати бўлмаган тўрт минг шишидан ортиқ турли хилдаги ароқни фуқаро С. Собитга тўрт минг АҚШ долларига сотаётганда кўлга тушдилар. Уларнинг уйидан яна иккиси юз шиша ароқ ва вино чиқди.

Тошкент туманидаги "Минсув" чегара масканида вилоят ИИБ йўл-патруль хизмати ходимлари Тошкент шаҳрида яшовчи С. Суръат 50 дона ароқни яширинча олиб ўтаётганда кўлга олдилар. Спиртли ичимликлар қаерда ишлаб чиқарилгани, сифати ҳақида ҳеч қандай ҳужжат ўй.

Бозорни истеъмол то-варлари билан тўлдириш, зарур молларни етказиб бериш учун бегиланган қоидаларга зид равиша иш тутаётган шахслар фақат ўз манфаатларини ўйламай, инсон соғлиғига зарар етказаётганларни билиб қўйишса яхши бўларди. Уларнинг ножӯя ишлари кўплаб хонадонларга ташвиш келтирияпти. Айборлар тегиши жазо олади, албатта. Бироқ фуқаролар саломатлигига етказилган зарарни ким қоплади?

Ф. САДУЛЛАЕВА.

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

9 ЯНВАРЬ

- Ўзбекистон Республикаси Фидокорлар миллый демократик партиясидан номзоди кўрсатилган Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланган кун (2000)

10 ЯНВАРЬ

- Ўзбекистон Ички ишлар кўшинлари ташкил топди (1992)

- 1994 йил 10-11 январда Брюсселда бўлиб ўтган Шимолий Атлантика кенгаши сессияси иштирокчи давлатлар раҳбарлари томонидан НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури қабул қилинди (1994)

12 ЯНВАРЬ

- Бухоро вилояти таркибида Қоровулбозор тумани ташкил этилди (1993)

13 ЯНВАРЬ

- Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита ташкил қилинди (1999)

- Литва озодлик ҳимоячилари куни (1991)

14 ЯНВАРЬ

- Ватан ҳимоячилари куни (1992)

15 ЯНВАРЬ

- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга МДУ фахрий профессори унвони берилди (2001)

АРЧА АТРОФИДАГИ ШОДИЁНАЛАР

Янгийўл шаҳрида "Президент арчаси" бўлиб ўтди. Унга вилоят ички ишлар идораларида хизмат вазифасини бажараётган пайтда ҳалок бўлган ходимларнинг 100 нафар фарзандлари ҳам таклиф этилди.

Шаҳардаги "Мадина" ресторанида чиройли безатилган арча атрофида болалар кувноқ томошаларни кўриб, турли эртак ҳаҳрамонлари билан учрашилар.

"Динамо" спорт ўйингоҳида ўтказилган арча байрамида эса 1500 нафар

кичинтойлар мириқиб дам олишиди. Болажонлар Тошкент давлат цирки артистлари иштирокидаги Қорбобо, Қорқиз ва масхарабознинг чиқиширидан шодланишиди. Айниска, арча атрофида ташкил этилган викторина ўйинлари байрам янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Ш. АНВАРОВ,
милиция катта лейтенанти.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти Жиззах шаҳрида 29-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари хузурда бўлиб, байрам совғалари улашишиди.

Б. БЕГИМҖУЛОВ,
милиция катта лейтенанти.



Мактаб ўқувчиларининг қишики таътиллари давом этмоқда. Болажонлар арча байрамларида иштирок этиб, ўйнаб-кулиб дам олиши моқда.

Т. КАРИМОВ олган сурат.

Йўл тасодифларга тўла

ҚИШ ЎЗИНИ КЎРСАТДИ

томашинасини бошқара олмай йўл че-тидаги бетон тўсиқка урилади. Натижада ҳайдовчи тан жароҳати олиб, ка-салхонага ётқизилади. Қорасув шахри Учтегирмон кўчаси бўйлаб ҳаракатла-наётган Маъмуржон Фозилов эса "Тико" русумли автомашинасида кетаётib, йўл че-тидаги чукурликка ағда-рилиб кетади.

Асака тумани Шуртожик қишлоғига ҳам кўнгилсиз ҳолат рўй берди. 1955 йилда туғилган Турсунхўжа Аббосов "ВАЗ-21011" русумли автомашинасида

эҳтиёт чорасини кўрмаганлиги туфайли қарама-қарши йўналишда ҳаракатла-наётган "Тико" русумли автомашина билан тўкнашиб кетади.

- Ўша куни қор ёғиб, йўллар музлаган эди, - дейди Асака тумани ИИБ ЙХХ гуруҳи бошлиғи, милиция майори Кутбиддин Жўрабоев. - Ҳайдовчи Тур-сунхўжа Аббосов йўлнинг сирпанчилигини била туриб, эҳтиёт чорасини кўрмаганлиги сабабли рулни бошқара олмаган. Оқибатда ўзи ва бошқа бир бегуноҳ йўловчининг тан жароҳати

олишига сабабчи бўлди. Жабранувчилар зудлик билан шифохонанинг жаррохлик бўлимига ётқизилди. Мен фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидламоқчиманки, қишининг аёзли кунларида ҳар бир ҳайдовчи ўта ҳушёр бўлиши лозим.



14 ЯНВАРЬ – ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Кейинги йилларда ҳарбийлар хизмат фоалиятига давлатимиз катта аҳамият берадиганлиги нафақат Ватан ҳимоячилари, балки ҳалқимизни ҳам қувонтироқда. Чунки ҳарбийлар шу ҳалқ фарзандлари, мамлакатимиз бошига ҳар қандай қийинчилик ва оғир кун тушганда биринчи бўлиб кўкракларини қалқон қиласидаги касб эгаларидир.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ҳарбий ислоҳотлар борасида илгари сурнглар, шунингдек "Умумий ҳарбий мажбурияти ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Конуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳар-

бийлар хизматининг ҳалқимиз, мамлакатимиз ҳётида нақадар катта ўрин тутишини яна бир бор исботлади.

Биз ана шу эътиборга лойик бўлишга ҳаракат қилияп миз.

2002 йилда Коровул қўшинлари шахсий таркиби орасида олиб борилган режали тарбия-

вий ҳуқуқий ишлар натижасида жиноят содир этиш, кўнгилсиз ҳодисалар, тартибузарликлар сезиларли даражада камайди.

Бунга шахсий таркибнинг юксак интизоми ва жанговар шайлиги, жанговар ва маънавий-сиёсий тайёргарлик билан астойдил шуғулланганимиз туфайли эришдик, десак хато бўлмас. Ўтган давр ичидаги ҳарбий жа-

моалар орасида офицерлар М. Бударников, Г. Бобоевлар сардорлик қилаётган қисмлар яхши кўрсаткичларга эриши.

Ушбу қисмларда мутлақ

МУСТАҲКАМ ИНТИЗОМ – МУВАФФАҚИYТ ГАРОВИ

кўпчилик офицерлар, шартнома орасида хизмат қилувчи ҳарбий хизматчилар, сержант ва оддий аскарлар ўз олдига қўйилган вазифаларни шараф билан бажариб келмоқдалар. Ўтган йил натижалари бўйича ушбу қисмларда жанговар шайлигда ва маънавий-сиёсий машғулотларда ҳамда интизомни мустаҳкамлашда ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Кўшинларимиздаги хизматнинг асосий хусусиятларидан бири шуки, ҳарбий хизматчилар ўзларига кўриклиш учун берилган постларида оддий ҳолатларда ҳам доимо ҳушёрликни сусайтирмасликлари керак.

Агар вазият муррабаблашса, соқчи қандай ҳаракат қилиши ҳақида ўзи мус-

тақил равишда қарор қабул қилиши лозим. Шундай ҳолатда аскардан юксак интизомли ва қатъиятли бўлиш талаб қилинади.

Кўшинларимиз сафида деярли кўпчилик аскарларимиз ўз олдиларига қўйилган масъулиятли, қийин, аммо шарафли вазифаларни аъло даражада бажармоқдалар. Улар ўзларининг Низом талабларига қатъий риоя

қилишлари, юксак интизомлари билан акралиб туради. Королли Кучларимизнинг барча шахсий таркиби қатори Коровул қўшинлари ҳарбийлари ҳам Ватан ҳимоячилари кунини кўтариинки руҳда кутиб олмоқдалар.

Ушбу улуғ айём кунда офицерларимиздан полковниклар А. Раусов, Ў. Икрамов, Н. Поповский, Р. Илхомов, А. Синицин, подполковниклар А. Мусаев, А. Исмоилов, Н. Тожибоев, М. Абдуллаевларнинг номларини фарх билан тилга оламиз. Улар ўзларининг ҳалол хизматлари, бой билимлари ва тажрибаси билан шахсий таркибга ўрнак бўлмоқдалар.

Ўйлайманки, 2003 йил ҳарбийлар ҳётида энг унтизомли масъуда давр бўлиб қолади.

**Н. СУЛЕЙМАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Коровул қўшинлари
қўмандони, подполковник.**

10 ЯНВАРЬ – ИЧКИ ҚЎШИНЛAR ТАШКИЛ ТОПГАН КУН

ТУНУ КУН ПОСТДА



Бошқармамиз бўлинмалари Ички қўшинларнинг 11 йиллик тўйини муносиб натижалар билан қаршилашти. Биргина сўнгги йилга назар ташлайдиган бўлсак, бизга ишониб топширилган барча иншоотларнинг талаб даржасида қўриклиниши ва ҳимоя қилинишини таъминладик. Ўлаб қаралса, улар ичидаги номхунроғи йўқ. Бирор электр станцияси ёки газни қайта ишлаш корхонасининг иккича соат ишдан тўхташининг оқибатларини тасаввур этиб кўринг. Демокчиманки, ҳалқ ҳўжалиги ривожига бизнинг ҳарбийларимиз ҳам ўзига хос ҳисса қўшиши. Ўтган йил давомидаги маддий-товар бойликларини ўғирлашга бўлган 300 дан зиёд уринишнинг олди олинди. Натижада 9 миллион сўмликдан ошик мулк эгаларига қайтарилди.

Ҳарбий хизматчиларимизнинг ижтимоий муҳофазасига тўхтадиган бўлсак, улардан йигирма нафарига яқинига янги хонадонларнинг калити топширилди. Баъзи бир қўриклиниши таъминлашадиган корхоналар шартнома мажбуриятларини ўз вақтида

бажаролмаётганликларига қарамай, ходимларимизнинг моддий таъминотида мутлақо узилиш бўлгани йўқ. Бунда бошқармамиз бошлиғи, полковник А. Пачеснинг хизматлари катта. У киши ўтган йили Мустақиллик байрами арафасида "Дўстлик" ордени билан тақдирлангани хизматига берилган муносиб баҳо бўлди.

Ўтган йили бир қанча янги иншоотларни қўриклиш учун қабул қилиб олдик. Эришган ютуқларимизда бўлим бошлиқлари, полковник Н. Дронин, подполковник Ж. Носиров, капитан А. Газибоев, бўлинма сардорлари подполковниклар Н. Ўринбоеев ва Э. Муллажонов катта хисса қўшиши.

Бу йилги режаларимиз ҳам улкан. Аввало иншоотларни ишончли қўриклиш ва ҳимоя қилиши таъминлаш, қолаверса, замонавий мухандислик-техника во-ситалари ёрдамида қўриклишни янада тақомиллаштириш. Қатор ёш офицерларимизни, шартнома орасида хизмат ўтовчиларни ўй-жой билан таъминлаш ниятидаги. Техника таъминотини яхшилашимиз керак. Хуллас, бошқармамиз шахсий таркиби мухим ҳалқ ҳўжалиги иншоотлари хавфсизлигини туну кун муҳофаза қилаётган экан, уларнинг хизмат самарасини ошириш йўлида барча чораларни кўрамиз.

**В. КЕРН,
полковник.**
Суратда: полковник
А. Пачес.

– Аскар билан ишлаш осонми ёки шартнома орасида хизмат қилувчи биланми?

Лейтенант Исмоил Қамбаров саволимга жавоб беришдан олдин пича ўйланниб қолди, кейин кулемсираб гап бошлади:

– Тўғриси, фақат ўзини, тинчини ўйлаган сардорга муддатли хизматга келган аскар билан ишлаш осон, албатта. Чунки бугун армияга келган кечаги ўкувчи ҳали кўп нарсани билмайди, эҳтимол, ҳали автоматни кўлида ушлаб кўрмагандир. Унгана десангиз, ишонади. Сардорининг билими саёзлигини сезмайди. Кейин, унинг муаммолари ҳам кам. Корни тўк, усти бут бўлса, уйидан хате келиб турса бўлди. Бошқа нарсани ўйламай хизматни қиласиди.

Шартнома орасида хизмат қилувчи билан ишлашнинг ўзига яраша кийин томонлари, айни пайтда афзаликлари ҳам бор. Қийинчилиги, у муддатли хизматни ўтган, аскарлик босқичидан ўтган, кўзи пишган. Ҳаёт мактабида ҳам анча-мунча пишган, ўйланган ёки эрта-индин оила кураман деб турган йигит.

Исмоил бўлинмасида илк бор шартномачилар пайдо бўлганда улардан уялиб қолмаслик учун кур-

сантиклида ёзган конспектлари, ўқув кўлланмаларни қайта-қайта ва рақлаб чиқарди. Машгулотлар олдидан амалий машқуларни ҳам бот-бот ўзи бажариб кўрарди. Бугун эса унинг ишғол қилиш бўлинмаси юз фоиз шартномачилардан иборат. Қолганини ўзингиз тасаввур этаверинг. Демак, сардор кўл

Энди шартнома асосида хизмат қилувчиларнинг афзалликларига келадиган бўлсак. Энг аввало, улар ўз хошилари билан шу соҳани танлашган. Муддатли хизмат ўтовчи эса ўзининг мажбурияти, бурчини бажараётган бўлади. Биз истаймизми йўқми, хоҳиш ва бурч ўртасида фарқ бор: бирি

ИШ ЭГАСИДАН ҚЎРҚАДИ

остида гиларга янги бир нарса ўргатиш учун улардан кўпроқ билиши, устароқ бўлиши лозим.

Шартномачиларнинг ўзларига яраша шахсий муаммолари ҳам бўлади. Бу ўй-жой ташвиши, оиласий масалалар дегандай. Кишининг уйидан кўнглигин тинч бўлгандагина берилиб, ҳаёли бўлинмасдан хизмат қиласиди. Сардор шартномачиларнинг ана шу масалаларни ҳал этишларида кўмаклашиши, керак бўлганда катта бошлиқлар қабулига ҳам кириши лозим бўлади.

эркинликни, иккинчиси эса мажбурийликни англатади. Муддатли хизматчиларни ҳаваскорга қиёс қилсан, шартномачи профессионал дегани. Ҳар бир ишни устаси қиласиди.

– Шартнома орасида хизматга мингта чириқдан ўтказиб қабул қиласиди, – дейди Исмоил. – Кўп талабгорлар жисмоний тайёргарлик синовидан ўтишолмайди. Айримлар руҳий синовларга дош беришолмайди. Масалан, ўқув-жанговар машгулотлар чорида довдираб

қолиб, талабгорликдан воз кечган номзодлар ҳам учрайди.

Шартномачиларнинг яна бир афзалиги – улар масъулиятни чукур ҳис этишади. Зоро, бунда ёш ҳам роль ўйнайди, қолаверса, шу касб орқасидан оила бўқандан кейин...

Ҳарбийларнинг маҳоратини ошириш гарови эса мунтазам ўқув-амалий машгулотлари ўтказиш. Ўтказганда ҳам имкон қадар ҳакиқий жанговар вазиятга яқинлашириб, пахтавон ўқлардан, шунга ўхшаш портловчи моддалардан фойдаланиб ташкил этиш. Жангчи кўп қаватли бино ёки автобусдаги террорчини зарарлизлантириш, гаровга олинган фуқароларни озод қилишига тўғри келса, нима қилиш керак? Ўқув машгулотида бундай машқуларни тегишли иншоотлар, транспорт воситаларида ўтказиш лозим. Шундай қилингани ҳам.

Лейтенант Исмоил Қамбаров сўхбатни якун қилди, бўлинмасини сафлаб, курол-яроқларини текшириб, ўқув-машк майдонига бошлаб кетди. Ишонч билан дадил, шахдам одимлаб кетаётган шартномачи жангчиларни кузатиб қоларканман, дилимда ҳавас, ифтихор туйғулари ўйонди.

Б. ТОШЕВ.



Долзарб мавзу

Терроризм – асримизнинг энг муд-хиши ижтимоий-сиёсий воқеалари-дан бири ҳисобланади. У ўз моҳиятига кўра жиноий ҳодиса бўлганлиги сабабли жаҳон мамлакатлари жиноят кодексларида унга нисбатан тегишли таъриф берилган.

Бугун терроризм хавфи халқаро муаммолардан бирига айланди. Унга қарши кураш халқаро ҳамжамиятнинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди. Сиёсий тизими, ижтимоий тузилиши, маданияти фарқларига қарамай жаҳоннинг барча халқлари умуминсоний хавфга қарши бирлашиб курашмоқдалар. Бунинг ёрқин мисоли жаҳон ҳамжамиятнинг Афғонистондаги Талибонлар ҳаракатига қарши олиб борган кураш ҳисобланади.

Мустакил Ўзбекистон халқи, Президентимиз И. Каримов халқаро терроризмга қарши курашда жаҳондаги етакчилардан бирига айланди. Юртбошимиз бир қанча халқаро минбарлардан туриб терроризмни молиявий манбалари, базалари, курол-яроф келтириш, гиёхвандлик моддаларини тарқатиш йўлларидан маҳрум қилиш учун "Террорчиликка қарши кураш бўйича Халқаро Марказ" тузишина тақлиф қилган эди. Бироқ жаҳоннинг нуфузли ташкилотлари бунга ўз вақтида етарли эътибор беришмади. Агар бундай марказ ўз вақтида ташкил этилиб, дунё ҳамжамияти бирлашиб, терроризмга қарши сиёсий, дипломатик, молиявий, иқтисодий, гуманитар, ҳарбий чораларни халқаро ҳуқук доирасида ишга согланида, балки, 2001 йил 11 сентябрда АҚШнинг Вашингтон ва Нью-Йорк шаҳарларида оламни ларзага соглан машъум фожия содир этилмаган бўлармиди?


Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг халқаро терроризмга қарши Аксилтеррор коалициясида дунёнинг етакчи давлатлари билан бирга фаол иштирок этди. Натижада Афғонистондаги халқаро терроризмнинг ашаддий кўринишларидан бири бўлган Ал-Қоидада Талибон ҳаракатлари тор-мор қилинди. Бироқ Аксилтеррор коалицияси ушбу жангари ташкилотлар ва уларга бирлашиб кетган "Ўзбекистон ислом ҳаракати"нинг парчаланган

учун халқаро терроризм тарафдорлари жуда катта молиявий имкониятга эга. Президентимиз терроризмнинг молиявий манбай – курол-яроф сотиш ва наркобизнес, деб уқтираётганлари бежиз эмас, албатта, БМТ эксперлари берган маълумотга кўра, Афғонистондаги яширин омборларда тўплланган героин заҳираси 300 тоннадан ошади. Энди ўзингиз ҳисоблаб кўринг – бутерроризм тарафдорлари учун қанча фойда келтириши мумкин. Кейинги 10 йил давомида мамла-

бўлмиш Интернетда 8 та сайти борлиги аниқланган. Жуда ҳам катта сармоянинг эгаси бўлмиш бу шахс жаҳоннинг кўзга кўринган олимлари, иқтидорли кишиларидан ўзининг жирканч мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланиш имкониятига эга.

У ҳатто "Ўзбекистон ислом ҳаракати" етакчилари Жума Ҳожиев ("Наманганий"), Тоҳир Йўлдош кабиларни молиявий жиҳатдан кўллаб-куватлагани ҳаммага маълум бўлса керак. Бунинг сабаби нимада де-

муайян мафкура – фоя ётади. Терроризм уни амалга оширишнинг бир воситаси, холос. Бизнингча даставвал ана шу фояга, эътиқодга, мафкурага қақшатқич зарба бериш лозим. Давлатимиз раҳбарининг терроризм ва диний экстремизм хавфи хақида тўхталиб, фояга қарши фақат фоя билан курашиш лозимлигини кўп бор



ёшларнинг дунёкаришини шакллантиришга эътиборни доимо кучайтириш зарурлигини уқтирган эдилар.

Терроризм хавфини йўқотиш Ўзбекистон тараққиёти учун қандай иқтисодий натижалар бериши мумкинлиги хусусида ҳам тўхталсан. 2002 йил июнь ойида Тошкентда кучли сиёсатчilar, давлат раҳбарлari иштирокида бўлиб ўтган учрашувда ана шу хусусда бир қатор фикрлар илгари сурилди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ташиқ ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Содик Сафоевнинг таъкидлашича, Ўзбекистон учун энг нозик масала мамлакатни транспорт коммуникацияси нуқтаи назаридан денгизга чиқишининг чекланганлигидir. Биз энг якин денгиз портига чиқишимиш учун 3 минг км йўлни босиб ўтишимиз керак. Таъкидлаш жоизки, энг кисқа йўл жануб йўналишидир. Афғонистон мана шу йўналишда жойлашганлиги сабабли Хинд океанига чиқиш қийинлашган эди. Афғонистонда терроризм хавфи камайиши Ўзбекистонга ушбу мамлакат орқали Хинд океанига чиқиш имкониятини яратади. Бу Транскавказ магистралидан кўра бир неча марта якин ва арzonдир. Яъни, Поти портигача транспорт орқали икки ҳафта сарфланса, Караби портига фақат 17 соат вақт кетади.


Терроризм хавфининг йўқотилиши Ўзбекистоннинг жаҳон бозорига чиқиши учун кенг имкониятлар яратиб, мамлакатимизга катта иқтисодий фойда келтиради. Масалан, Транскавказ магистрали орқали Ўзбекистондан олиб чиқиляётган товарларга сарфланадиган йўл ҳаражатлари 60 фуизга камаяди. Энг муҳими, терроризм хавфнинг йўқотилиши Ўзбекистонда ҳукуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириши тезлаштиради. Шу боис терроризм хавфига қарши курашиш, унинг олдини олиш ички ишлар идоралари олдида турган долзарб вазифасига айланмоғи лозим.

Терроризмни ҳақли равишда асримизнинг вабоси дейиш мумкин. Жаҳоннинг тури бурча-ларida содир бўлаётган террористик хатти-ҳаракатлар шундан далолат бермоқда. Бу вабога қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг шарафли вазифасига айланмоғи лозим.

Махамадали ИСМОИЛОВ,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖҚ ва ТҚҚББ бўлим бошлиги, милиция подполковниги.

ТЕРРОРИЗМ



ЖХІ аср ва боси

ринишига уринмоқда. Шуларни эътиборга олиб терроризм хавфи минтақавий ва жаҳон миёсисида бартараф этилди, десак хато бўлади.

Гарчи терроризмга қарши Афғонистонда ва жаҳоннинг бошқа ерларидан қақшатқич зарба берилган бўлса-да, унинг молиявий ва мафкуравий илдизлари ҳануз бакувватдир. Масалан, Ал-Қоидада террористик жангари ташкилоти ва унинг етакчisi Усома бин Лоден ҳануз тутқич бермай юрибди. Жаҳон маҳсус хизмат эксперларининг фикрича, халқаро терроризм оммавий қирғин куролларини ҳам қўлга киритиш пайида. Бунинг

катимиз чегаралари орқали ўтказишга уринилган 300 тоннадан ортиқ гиёхвандлик моддаси ушланиб қолинганлиги ҳам бу фикрларнинг исботидир.

Терроризмга қарши самарали курашиш учун уни келтириб чиқарувчи сабабларни ва шарт-шароитларни ўрганиш лозим бўлади. Минг афсуски, биз кўпинча ҳодисанинг сабаби эмас, унинг оқибати билан курашамиз. Бу соҳада илмий усусларни кўлламасдан туриб бирон-бир самара-га эришиш мушкуллиги аён бўлмоқда.

Халқаро терроризм кўпчилик ўйлаганидек, фақат куроллар ва воситаlardan foydalaniadi, дейиш соддалик бўлар эди. Тадқиқотлар шуни кўрсатяпти, улар ўз мақсадларини амалга оширишда замонавий технологиялар, телекоммуникациялар, илм, фан ва техника ютуқларидан ҳам унумли foydalamanmoxda. Биргина мисол. Жаҳондаги биринчи рақамли террори деб тан олинган Усома бин Лоденning ихтиёрида қатор илмий-тадқиқот лабораториялар, йўлдош (спутник) алоқалари, халқаро маълумотлар воситаси

ган савол туғилиши табиий. "Ўзбекистон ислом ҳаракати" террорчилик ташкилотининг мақсади мамлакатимизда конституцион тузумни ағдариб, Халифалик Ислом давлати куриш бўлган. Айни вақтда 50 га якин давлатни террорчилик хуружи билан кўркитиб, бутун араб ва Марказий Осиё давлатлари ҳудудида Халифалик тузиш ниятида бўлган Усома бин Лоденга бу жуда қўл келган бўлиши табиий.


Энди икки оғиз сўз терроризмнинг ички анатомияси ва физиологияси хусусида. Кўпчилик уни юзаки тушунишади. Терроризм – жуда тагдор ҳодиса бўлиб, замирида



UCHINCHI + TV OLAM

«Постма» gazetasining ilovasi

TANIQLI KISHILAR BILAN UCHRASHUV,
HAJVIYA, XANDALAR, KROSSVORD,
SKANVORD, MUNAJJIMLAR BASHORATI,
HAYRATOMUZ VOQEALAR,
SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI



ни-үзи тозалайдиган атмосфера қатлами борлиги, әхтимол ўсимликлар ҳам мавжудлигини тахмин қилишмоқда.

Бир қараңда, юзасининг 99 фоизи муз билан қопланган, ўртача ҳарорат ҳатто ёзайларидан ҳам -30 дан -50° С дан тушмайдиган, деярли ўсимлик ўсмайдиган, жониворлардан эса фақат пингвинлар таюленаргина учрайдиган кимасиз қытада қандай сир-сироатлар бўлиши мумкин, деган фикрга борилади. Бироқ...

Антарктида, Жанубий кутдан 480 километр олисликда Восток (Шарқ) кўли жойлашган. Унинг юзаси Онега, Чад ва Ни-карагу кўлларидек келади. Кўл сиртини уч ярим, тўрт ярим километргача қалинликда муз қоплаган. Энг чукур жойи – 1200 метр. Олимлар ўзига хос бўлган ушбу кўлни тадқиқ қилиш – XXI аср бошидаги энг қизиқарли ва мураккаб илмий муаммолардан бири деб ҳисоблашмоқда.

Америка орбитада йўлдошларидан олинган маълумотларга кўра, кўл сатҳидан юқорида муз гумбази билан қопланган, баландлиги 800 метр келадиган бўшлиқ борлиги аниқланган. Ускуналар бу жойда юқори магнит фаоллик мавжудлигини кўрсатгач, олимларнинг сайд-харакатлари тўсташдан тўхтатилиди. Шу боис энди тадқиқотлар билан маҳфий давлат идоралари ва ташкилотлар шуғулланышти.

АҚШ ва Россия ҳукumatлари ишни шунчалик қизиқтириб қолган, уларни Восток кўли атрофига қимматбаҳо ва маҳфий ўскуналар билан жиҳозланган илмий экспедицияларни юборишга мажбур қилаётган Антарктида муз қоплами остига нима яширган ўзи?

Сунъий йўлдошлар орқали олинган маълумотларга кўра кўлда сув ҳарорати +10 дан +18° С атрофида экан. Демак, кўл тубида қандайдир геотермал ёки бошқа иссиқлик манбалари бўлиши мумкин. Олимлар маълумотларни ўрганар эканлар, кўлни қоплаб турган муз гумбази ва унинг сув сатҳи оралигига ўзи-

бўлишгани, кўришганда ҳаммасини бағаси билан айтиб беришларини маълум қилишганди. Бироқ уйга қайтганларидан сўнг ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очишмади, улар билан учрашмоқчи бўлган журналистларга эса рад жавобини бериди.

Айтиб ўтилганларни инобатга олган айрим уфологлар ва табиат мўъжизалари ва тарих сирларини ўрганувчи тадқиқотчilar Антарктида – муз ости ёки устиди НУЖ ёхуд фашист нацистларининг махфий базаси бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Хўш, нега бундай хулосага келинайти?

1940 йил ёз ойларida босиб олинган Польшанинг жанубигарбида жойлашган Ковара шаҳри яқинидаги гитлерчilar ўта маҳфий ўкув маркази ташкил қилган эдилар. Бу ерда вермахтнинг энг сараланган қисмларидан танлаб олинган аскарлар ва офицерлар таълим олиб, машқ қилишар-

Антарктика экспедициясига раҳбарлик қилган Ричард Бэрдинг Антарктигадаги фаолияти билан боғлиқ воқеалар бу тахминга ойдинлик киритиши мумкин. Айниқса, 1946-47-йиллардаги тўртунчи экспедиция кенг миқёсли сирли ҳисобланади.

“Юқорига сакраш” деб номланган ушбу экспедиция Йирик ҳарбий операцияни эслатади. Унда АҚШ Ҳарбий денгиз кучларининг 13ta кемаси, шу жумладан авианосец, музёар кемалар, танкер ва сув ости кемалари иштирок этган. 15 ta оғир юк ташувчи самолётлар, узоққа учувчи разведка-самолётлар, вертолётлар ва учар қайинклар ҳаво транспорт воситаларини ташкил этарди. “Илмий экспедиция” таркибига 25 нафар илмий ходим ва... 4100 та денгиз пиёдалари, аскарлар ва офицерлар киради! Экспедиция АҚШ Конгресси томонидан маъкулланган бўлиб, уни мамлакат ҳукумати сармояларда раҳбарлик эса ҳарбий-денгиз маҳкамаси зинмасида эди.

Америкалаги расмий тарғибот воситалари экспедиция ўз олдига фақат илмий мақсадларни кўйганлигини эълон қилишдан чарчамасди. Шундай бўлса, нега Чили ва Аргентина журналистлари “Антарктида соҳилларига тушишда америкаликлар қийинчилликларга дуч келиши” деб таъкидлашган? Нима учун “олимлар” адмирал Бэрд бошчилигида қитъанинг жанубий қисми бўйлаб 200 километр масофани қуруқликдан босиб

кўтъя устидан учеб ўтган. Унинг сўнгти парвози қатор сирли талқинлар ва тахминларга сабабчи бўлди.

Ушбу парвоз вақтидаги жончумул ихтиро ҳақидаги мишишлар бугунги кунгача барҳам топмаган. Амадео Жианнини адмирал вафотидан иккى йил ўтгач, 1959 йилда чоп этилган асарида Бэрд Антарктида... ер ости дунёсига йўл топганини таъкидлайди! Китобда адмирал ер остида бўлиб, бой ўсимлик дунёси, илиқ сувли кўллар, энг қизиғи, қирғоқларда динозаврларга ўхшаш жониворларни учратганлиги ҳақида ёзилади. Бэрд буларни тасвирга тушириб, ўзининг махфий кундакларидаги бағасиб ёзиг қолдирган ва улар қаҷондир эълон қилинади, деб маълумот берилади.

Адмиралнинг “Кичик Америка” ва “Танҳо” деб номланган китобларидаги эса бу каби ҳайраттомуз таассуротлар учрамайди. Лекин Ер куррасида ҳали кашф этилмаган яна бир дунё борлигига ишонувчиларни бу тахлика солмайди.

Энди Восток кўлида жойлашган Россия қутб станцияси фаолиятига тўхталсан.


Яқинда “Восток” станциясида Санкт-Петербург ядро физикиси институти биологлари кўлдаги муз тубидан олинган намунани текшириб кўриши. Ундан +55° С ҳароратда ўтишадиган бактерия топилди. Демак, қаҷондир кўлда шундай ҳарорат бўлган, балки бутуни кунда ҳам мавжуддир. Муз остидаги сув қандайдир йўл билан, айтайлик гейзерлар ёрдамида иситилиши ҳақидаги тахмин ғайри-табии эмас экан-да?

“Восток” станциясининг бошлiği Валерий Лукининг сўзларига қараганда, сўнгти йилларда музда жуда чукур кудук бургуланган ва кўлнинг сув сатҳигача тахминан 130 метр қолган. Аммо тадқиқотчilar ишни давом эттиришга чўчишмоқда: агар бурғу сувга тушса, миллион йиллар муқаддам ёпик турган улкан “колба”га ер микроблари тушиши әхтимоли катта. Бу эса нимага олиб келишини ҳеч ким билмайди. Ер бактериялари кўлдаги ҳаёт – балиқлар, моллюскаларни тамомила йўқ қилиб юбориши мумкин... Безарар бурғи эса ҳозирча ихтиро қилинмаган. Кўлдан нима отилиб қициши ва бу қандайдир оқибатларга олиб келишини ҳам ҳеч ким аниқ айта олмайди. Восток кўлидан одамлар ҳазиргача, дуч келмаган мавжудот ёки микроблар тарқалиши ҳам мумкин.

Умуман олганда, Восток кўли ҳақида кутб тадқиқотчilar орасида кўплаб мишишлар юради. Бу жойда ўзга сайдериклар кемаси бор, кўлда Ер юзидаги аллақочонлар йўқ бўлиб кетган калтакесаклар, яна аллақандай махлуклар яшайди, деб ҳам тахмин қилишади.

– Восток кўлининг ўзига хослиги, – дейди “Мак-Мердо” Антарктика станциясидаги Америка экспедицияси раҳбари, АҚШ Миллий илмий фондининг Антарктидаги вакили Эл Сазерленд, – у билан боғлиқ ҳар бир ихтиро жавоблардан кўра кўпроқ муаммоларни юзага келтиради.

АНТАРКТИДА СИРЛАРИ



турли сезигир мосламалар ўрнатилган маҳсус зондларни туширишни режалаштирган эди. Аммо кутилмагандага уларга барча ишларни тўхтатишни буоришиди. Бунинг сабаби эса айтилмади. Россия антарктик станциясига худди шу вақтда тадқиқотчilарнинг янги гурухи келиб қўшилди. Гурух аъзолари ўзлари билан кўплаб мураккаб ва қимматбаҳо ўскуналарни келтиришганни. Қизиги, барча сайд-харакатларни тадқиқотлар билан маҳфий давлат ошириларди.

Ушбу воқеалардан сўнг маълум вакт ўтгач, Австралиянинг “Кейси” антарктик станциясидан иккى саёҳатчи аёл Антарктида қитъасини чанғилларда кесиб ўтиши мақсадидаги Восток кўли томон йўл олди. Нихоят муз сатҳи бўйлаб кетаётганларида, кутилмагандага шу ўтгага АҚШ Ҳарбий ҳаво кучларни самолёти кўнди ва номаълом шахслар уларни кутгариш макасидаги келтганларни айтиб, самолётга ўтиришни таклиф қилишибди. Қизиги, саёҳатчilar aloқa воситаси орқали ҳеч кимга ёрдам сўраб мурожаат қилимаган эдилар. Фақат саёҳат давомида қизлар йўлдан орқали болгандаган телефонда қариндошлари ва дўстларига гаройиб воқеаларнинг гувоҳи

ди. Улар Арктика ва... Антарктика каби кутб зоналаридағи оғир шароитларда ҳарбий операцияларда иштирок этишга тайёрланарди. 1941 йили немислар ҳақиқатан ҳам Антарктидадаги Норвегияга тегишили ҳудудга келиб тушишган ва бу ерда “Оазис” (воҳа) деб номланган станцияни ташкил этишган. Ҳозирда бу жой Бангер воҳаси деб аталади. Унга 1946 йилда бу жойни аниқлаган АҚШ ҳарбий учувчининг номи берилган.

Антарктида муздан холос бўлган ерлар “воҳалар” деб аталади. Уларнинг қандайдир пайдо бўлиши охиригача ўрганилмаган.

Баъзи уфологлар, тарих ҳамда та-

биат сирларини ўрганувчи тадқиқотчilar, шу жумладан полияк Роберт Леснякевич ва словак Милош Есенскийларнинг фикрича,

Антарктидадаги энг улкан Бангер воҳаси иккинчи жаҳон уруши вақтида немислар томонидан

“Оазис” станциясида... ядро энергияси билан ўтизилган тадқиқот-

лар натижасида ҳосил бўлган бўлиши мумкин.

Улар бу жаҳонда 1999 йили Варшавада чоп этилган “Wunderland” Учинчи Рейхнинг гайритабиий технологиялари”, деб номланган китобда ёзишган.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

тадқиқотчilar, шундай муздан ошириларди.

Америкалик адмирал, кутб тадқиқотчиси, учувчи, тўрт бор

Тиберийдан аввал Буюк Рим империясини бошқарган Октавиан Август ўлим түшагида ётганда мажолсиз лаблари билан: “Шўрлик Рим халқи! Кунинг қандай имиллаган қонхўрга қолди!” дея пиширлган эди. Ҳақиқатан, Клавдий Нерон Тиберий ўз ваҳшийликларини аста-секин бошлади, авж олдирди.

У ичишни хуш күрарди. Дўстлари ҳазиллашиб императорга “Бибереим” (лотинчада “майхўр” деган маънони англатади) деб ном қўйишган эди. Аммо ўшанда ҳеч ким ҳукмдорнинг бу одати бора-бора бирорвларни азоблашдан роҳатланишга айланади, деб ўйламаганди. Римлик тарихчи Светонийнинг гувоҳлик беришича, у эркакларни атайлаб ичириб маст қилиб, жинсий аъзосини чилвир билан боғлатиб қўяркан. Натижада улар заҳри танг қилганда азобли оғриқдан ҳушларини йўқотишаркан.

иул очарди. Аммо ҳокимиятга эришгач, Тиберий онасининг сиёсий даъволарини кўриб, уни ҳар қандай йўл билан четлатиш тараддудини кўрди. У ҳатто туққан онасини қатл этишга ҳам тайёр эди. Сабаби, император волидасининг “Мен сени тахтга ўтқаздим” деган таънисидан безор бўлганди. Шу боис онаси билан умуман учрашмай қўйди.

Ливия ғамдан адо бўлиб касалликка чалинди. Шўрлик аёл ҳолидан хабар олишини ялиниб-ёлвориб сўраса ҳам, бағритош ўғил бу оҳу нолаларга пардо кидмоди. Тибе-

Тиберий ўзидан олдинги император даврида иккюзламачиликка ўрганиб қолганди. Клавдийнинг онаси Ливия ўз эри бўлган императорга нисбатан таъсирини сақлаш учун унга ёш қизларни топиб беришининг гувоҳи бўлган. Конуний меросхўрлар бирин-кетин турди парво қилмади. Гиберий ҳатто фарзандини жонидан ортиқ суйган онасининг дафн маросимиға ҳам келмади.

Тиберий тахтни эгаллаши билан қилган биринчи иши айғоқчилар сонини кўпайтириш бўлди. Улар император ҳақида ким ножуя

лар бирин-кетин түрли тасодиғлар туфайли оламдан үтишарди. Бұ- сүзлар айтгани бүйі- ча маълумот түплашар- ди. Шу асосда қанча-

МОНХҮҮР ХҮКМДӨР

лаб одамлар турли-туман қийнокларга солиниб, уларнинг молмулки хазинага кирим қилинди. Тибериининг буйруғига кўра маҳсус жиҳозланган ер ости зинданнанда Августнинг невараси изсиз йўқолди. Шундай қилиндики, у гўё туғилмаган эди. Бошқа бир таҳт вориси – Друз Цезарни эса очдан ўлдиришиди. Император очликдан қийналган Друз ичига похол тиқилган тўшагини қандай ғажишини томоша қилиб лаззатланарди.

Ороллардан бири-
даги зиндонда Юлий
Цезарнинг жияни сақ-
ланарди. Тиберий бу
ўсмир ўз ажали билан
ўлишини узоқ кутди.
Лекин муроди ҳосил
бўлавермагач, унинг
олдига жаллодни
жўнатди. Император-
нинг топшириғига кўра
жаллод маҳбусга сирт-
моқ ва азоб бериш ан-
жомларини кўрсатди.
Бундан даҳшатга туш-
ган йигитча ўз жонига
қасд қилди. Тиберий
жонажон жиянини ҳам
заҳарлаб ўлдирган
эди.

Августнинг бутун ав-
лоди қириб бўлинди,
ҳисоб. Барибир, импе-
раторнинг шубҳаси
босилмас, кўнгли жо-
йига тушмасди. У Рим-
да ўзини бехавотир
ҳис қилмай, Капри
оролида бошқа қарор-
гоҳ барпо эттирди. Бу
ерда кўз кўриб, қулоқ
эшитмаган майший бу-
зуқчиликка берилди.
Ўзи қодир бўлмаган
наҳс ишларни бошқа-
лар бажаришар, у томо-
ша қилиб роҳат оларди.

Император ҳақида-
ги арзимас гап ҳам ки-
шиларнинг қийноқлар-
га солиниши, қатл
қилинишига сабаб
бўларди. Бунинг учун
ҳеч қандай далил-ис-
бот талаб қилинмасди,
айғоқчиларнинг маълу-
моти етарли эди. Гар-
чи Рим республикаси-
да Гай Гракх (эрамиз-
дан аввалги II аср)
маслаҳатчилар суди
жорий этган бўлса-да,
Тиберий суд вазифа-
сини ҳам ўз зиммаси-
га олди. Натижада
ҳокимиятда бошбош-
доқлик, ҳар қандай
ҳуқуқ топталишлари

авжига чиқди. Дейлик, киши ҳожатхонага ёки исловатхонага император тасвири зарб этилган узук тақиб кирса, зиндонга ташланарди.

Тиберий Каприни тарк этмасди. Унинг номидан Римда ҳокимиyatни префектлар бошқаришарди. Улар ҳам ҳукмдор каби шафқатсиз эдилар. Энг ном чиқарган “жиноятчилар”ни император ҳузурига олиб келишарди. У энди шунчаки қатл этишдан лаззат топмасди. Бунинг учун турли-туман қатл усулларини ўйлаб топарди.

Айниқса, кишини ўз жонига қасд этишгача олиб бориш унга хуш



Юлий Цезарь

A black and white photograph of the Colosseum in Rome. The image captures the iconic amphitheater from a low angle, looking up at its massive, curved structure. The Colosseum's most prominent feature is its series of arches supported by thick columns. Above these arches, there are multiple levels of seating, which appear as dark, recessed areas against the lighter stone of the walls. The perspective emphasizes the enormous scale and architectural complexity of the ancient Roman structure.

Қадимги Рим

торни ғазаблантириб матли матоҳи – ўзи юборди. тутган йирик балиқни

Қийноққа солиш хоналарини айланиб юриш ҳукмдорнинг севимли машғулотларидан бири эди. Бир маҳбуснинг тез ўлганини кўриб у: “Эссиз, яхшилаб томоша қилолмай қолдим”, – деганди. Бошқа бир қийноққа солинаётган маҳбус: “Мени тезроқ ўлдира қолинглар！”, – деб ялинганида, у кулиб: “Сабр қил, ўлим гуноҳларинг кечирилганини англатади. Мен эса ҳали сени кечирганим йўқ”, – деган эди.

тутқазди. Жазавага тушган Тиберий балиқ билан балиқчининг юзу кўзларига то у хушидан кетиб йиқилгунича урди. Император, ҳатто ўзига энг содик мулоғимларига ҳам шафқат қилмасди. Тансоқчиси боғдаги тўтини ўғирлагани учун уни қатл қилдирган эди.

Тиберий ўлишни истамас, умрини узайтириш учун не-не ишларни қилмасди. У қартайган чоғлари кунимга кун қўшади деб ишониб, ўн икки ёшли

Қадимги Рим қонунига кўра бокира қизларни қатл этиш тақиқланарди. Шунинг учун император жаллодларга бундай қизларни аввал зўрлаб, сўнг ўлдиришни буюрди. Тибериининг бирор куни қийнаш ва қатлларсиз ўтмасди. Турли қийноқлардан сўнг аксар маҳбуслар қоялардан пастга – денгизга улоқтириларди. Қирғоқда турган денгизчилар уларнинг ҳали жони чиқмаганларини ўлдиришарди. Таналари эса таниб бўлмас даражада қиммаланаарди. Бу кекса император лаззат оладиган томошалардан бирни сми

қизларнинг қони алаштирилган сут ичарди. Аммо ўлим ҳақ, умр боқий бўлмайди. Бутун Рим империясини зир титратган ҳукмдор охирни хасталикка таслим бўлиб, хушидан кетиб йиқилди. Атрофидаги сарой аъёнлари император ўлди деб ўйлаб, таҳт вориси Гай Цезарь Калигулани ҳукмдор деб эълон қилишиди. Шу пайт “марҳум” император ўзига келиб, ўрнидан турмоқчи бўлди. Аммо ҳеч ким унинг “тирилиши”ни истамади. Калигула перфект ёрдамида уни бўғиб ўлдирди.

Янги император миший бузуқликда ҳам, айшу ишратла ҳам

бира ишратда ҳам, золимликда ҳам Тиберийдан ўтиб тушди. У бир гал: "Агар Рим халқининг · биттагина боши бўлганда, уни сапчадай узиб ташлардим", – леганди

юборди. Сабаби, император ҳар қадамда ўзининг ваҳшиёна қилмишлари учун интиқом онлари келишидан ҳадиксираб юрарди. Балиқчи шошиб қолганидан ҳукмдорга қўлида бор бўлган Ӯнг қим- дим , деганди.

Тарихнинг ана шундай аянчли саҳифаларини вараклар экансан, шу замонда, шу юртда туғилганингга шукроналар айтасан, киши.



Клавдий Нерон Тиберий

ДУШАНБА,

13

ЎзТВ - I
 Телетомшабинлар диккатига!
 Профилактика муносабат билан душанба, 13 январь куни "Ўзбекистон" телеканали кўрсатувлари соат 15.00дан бошлаб кўрсатилиди.
 15.00 "Тахлилнома".
 15.45 "Ошин". Телесериал.
 16.15 "Тўртингчи ҳокимиyat".
 16.35 "Талабалик йилларим".
 "Болалар сайдераси":
 16.55 1. "Бешбармок".
 2. "Олтин тох". Телевизион ўйин.
 17.55 ТВ маркет.
 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
 18.10 "Калб гавҳари".
 18.30 "Мулқор".
 18.45 "Баҳтли воқеа". Телелотерея.
 19.15 "Бир жуфт кўшик".
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЎЛОНЛАР
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртаклари.
 20.15 Биржа ва банк хабарлари.
 20.30 "Ахборот".
 21.05 2003 йил - Обод маҳалла ийли". "Кўпчиллик каторида".
 21.25 "Премьера олдиндан".
 21.50 Ватан химоячилари кунига "Келин-куёв". Телешоу.
 23.05 "Ахборот-дайжест".
 23.25 "Янги йил базми".
 0.45-0.50 Ватан тимсолари.

11.00 "Давр" хафта ичидаги.
 11.30 ТВ-анонс.
 11.35 "Жюли Леско". Сериал. 19-кисм.
 12.25 Саломатлик сирлари.
 12.45 Давр-news.
 13.05 Жаҳон ҳуғрофияси.
 13.55 Кўхна оҳанглар.
 14.05 "Кусто командасининг сув ости саргузаштлари". Телесериал.
 14.55 Спорт ҳафтаномаси.
 15.10 "Остона". Телевизион бадий фильм. 2-кисм.
 16.00 Огохлик давр табаби.
 16.15 "Қадимиг шўхликлар". Бадий фильм.
 17.35 Кўрсатувлар дастури.
 17.40 "Янги авлод" почтаси, "Болалар шеврияти".
 18.10 "Қироллидаги саргузаштлар". Мультсерериал. 6-кисм.
 18.35 ТВ-анонс.
 18.40 Оқшом наволари.
 18.55, 21.55 Иклим.
 19.00 Давр.
 19.35 ТВ-анонс.
 19.40 Ёшлик кўшиклари.
 19.55 "Бугуннинг ёшлари" туркумидан: "Парвоз" видеофильми.
 20.15 Ёшлар овози.
 20.35, 21.25, 22.35 ЭЎЛОНЛАР
 19.00 Давр.
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртаклари.
 20.15 Биржа ва банк хабарлари.
 20.30 "Ахборот".
 21.05 2003 йил - Обод маҳалла ийли". "Кўпчиллик каторида".
 21.25 "Премьера олдиндан".
 21.50 Ватан химоячилари кунига "Келин-куёв". Телешоу.
 23.05 "Ахборот-дайжест".
 23.25 "Янги йил базми".
 0.45-0.50 Ватан тимсолари.

ЎзТВ - II
 8.55 Кўрсатувлар дастури.
 9.00 Давр тонги.
 10.00 Янги авлод студијаси: "Катта танаффус".
 10.25 "Қироллидаги саргузаштлар". Мультсерериал. 5-кисм.
 10.50 Мусий лаҳзалар.

23.55 Давр.
 1.00-1.05 "Хайрли тун!"

ЎзТВ - III
 17.15 Кўрсатувлар тартиби.
 17.20 ТТВда сериал: "23,5 даражали бурчак остида". 57-кисм.
 17.45 "Халқ саломатлиги ўйлida".
 18.30, 20.00, 21.10, 22.40 "Пойтахт" ахборот дастури.
 6-кисм.
 8.35, 17.55 ТВ маркет.
 8.40 Газеталар шархи.
 9.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
 9.40 "Соз сехри".
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
 10.05 "Мулқор".
 10.20 "Кор маликаси".
 Бадий фильм.
 11.45 Мусикий танаффус.
 12.05 "Нурил манзиллар".
 12.25 "Бу ажаб фасл". Телевизион бадий фильм. З-кисм.
 12.45 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Мардлар мактаби".
 13.15 Эстрада тароналаши.
 13.35 "Кўпчиллик каторида".
 13.55 ТВ анонс.
 14.10 "Смёсат оламида".
 14.30 Кундузги сеанс: "Иўлбошли". Бадий фильм.
 15.50 "Осори атикаларимиз".
 16.10 ТВ клип.
 16.15 "Баркамол авлод орзуси".
 16.35 "Жиз-биз". Ҳажвий ҳангома.
 16.55 "Ватанимга хизмат килимани".
 18.10 "Калқон".
 18.30 "Ўзбекистон яхлигим".
 18.50 "Ватан химоясида".
 19.05 "Тафсилот".
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЎЛОНЛАР
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртаклари.
 20.15 FCN "Ўзбекистон яхлигилари" (инглиз тилида)
 20.30 "Ахборот".
 21.05 Мардлар қўриклияди Ватанини. Ватан химоячилари кунига бағишиланган кўрсатув.
 22.30 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Ошин". Телесериал пре-мъераси.
 23.00 "Ахборот-дайжест".
 23.20-23.25 Ватан тимсолари.

остида". 56-кисм.
 17.45, 18.50, 21.15 "Экспресс" телегазетаси.
 18.05 Болажонлар экранни.
 18.15 "Спорт ва болалар".
 18.30, 20.00, 21.35 "Пойтахт". Ахборот дастури.
 19.10 "Нима учун?".
 20.30 Янги йил кўрсатувлари саҳифаларида.
 21.55 "Янги йилни севман". Байрам шоуси. 1-кисм.
 23.55 "Пойтахт шархи".
 0.20 "Янги йилни севман". Байрам шоуси. 2-кисм.
 1.50-1.55 "Хайрли тун, шахрим!"

ЎзТВ - IV
 Биринчи канал
 7.30-9.00
 *
 17.45 Кўрсатувлар тартиби.
 17.50 "Вести".
 18.10 "Европьюс" янгиликлари.
БИРИНЧИ КАНАЛ
 18.25 Л. Гурченко "Карнавал кечаси" комедиясида.
 19.55 "Ҳазил кетидан ҳазил". Ҳажвий кўрсатув.
 21.00 "Время".
ЎзТВ-IV
 21.35 "Бизнес-ревю".
 21.40 "Дунё мамлакатлари".
22.00 Кинематограф.
 "Темирйўлдаги муҳаббат".
 Бадий фильм.
 23.40 "Ахборот" (рус тилида).
 0.15 "Тунингиз осуда бўлсин!"

30-канал
 СОАТ 16.55ГАЧА
 ПРОФИЛАКТИКА
 17.00 - Шоу соати
 17.40, 20.45 - "Теле-хамкор"
 18.00 - "Инглики котил" трилери
 19.30 - "Ошикона" мусиқий дастури

ОРТ
 6.00 Телеканал "Добро утро".
 9.00 Новости.
 9.15 "Земля любви, земля надежды". Сериял.
 10.05 Тайны века. "Чужие".
 10.50 Спасатели. Экстренный вызов.
 11.15 "Ералаш".
 11.35 Дисней-клуб: "Переменка".
 12.00 Новости.
 12.15 Детектив "Коломбо сеет панику".
 13.55 Телеканал "Новый день". Новогодняя "Формула власти".
 14.30 Телеканал "Новый день". "Гении и злодеи". Р. Алексеев.
 15.00 Новости (с субтитрами).
 15.15 Приключенческий фильм "Кевин с севера".
 17.00 "Большая стирка".
 18.00 Вечерние новости (с субтитрами).
 18.30 "Кумиры". Т. Доронина.
 19.00 "Земля любви, земля надежды". Сериял.
 20.00 "Кто хочет стать миллионером?" Теленгига.
 21.00 Время.
 21.40 "Азалья". Б. Акунина.
 Новая редакция. 1-я серия.
 22.45 "Потерянные субмарины".
 23.30 Ночное "Время".
 23.45 Телеканал "Новый день". "Сканер".
 0.15 Телеканал "Новый день". "Египет. Непрожитые тысячетия".
 0.45 "Апология".
 1.50 Л. Ламас в боевике "Недержимый. Направление на юг".

ЎзТВ - III
 17.15 Кўрсатувлар тартиби.
 17.20 ТТВда сериал: "23,5 даражали бурчак остида". 57-кисм.
 17.45, 19.10, 22.00 "Экспресс" телегазетаси.
 18.05 "Халқ саломатлиги ўйлida".
 18.30, 20.00, 21.10, 22.40 "Пойтахт" ахборот дастури.
 6-кисм.
 8.35, 17.55 ТВ маркет.
 8.40 Газеталар шархи.
 9.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
 9.40 "Соз сехри".
 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 ЯНГИЛИКЛАР
 10.05 "Мулқор".
 10.20 "Кор маликаси".
 Бадий фильм.
 11.45 Мусикий танаффус.
 12.05 "Нурил манзиллар".
 12.25 "Бу ажаб фасл". Телевизион бадий фильм. З-кисм.
 12.45 "Ўзбектелефильм" намоиши: "Мардлар мактаби".
 13.15 Эстрада тароналаши.
 13.35 "Кўпчиллик каторида".
 13.55 ТВ анонс.
 14.10 "Смёсат оламида".
 14.30 Кундузги сеанс: "Иўлбошли". Бадий фильм.
 15.50 "Осори атикаларимиз".
 16.10 ТВ клип.
 16.15 "Баркамол авлод орзуси".
 16.35 "Жиз-биз". Ҳажвий ҳангома.
 16.55 "Ватанимга хизмат килимани".
 18.10 "Калқон".
 18.30 "Ўзбекистон яхлигим".
 18.50 "Ватан химоясида".
 19.05 "Тафсилот".
 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЭЎЛОНЛАР
 19.30 "Ахборот" (рус тилида)
 20.00 Оқшом эртаклари.
 20.15 FCN "Ўзбекистон яхлигилари" (инглиз тилида)
 20.30 "Ахборот".
 21.05 Мардлар қўриклияди Ватанини. Ватан химоячилари кунига бағишиланган кўрсатув.
 22.30 "Ўзбекистон" каналида илк маротаба: "Ошин". Телесериал пре-мъераси.
